

**ЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.Т.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАЛИЕВ ШЕРЗОД КАРШИЕВИЧ**

**ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ САТҲИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВИ**  
**ЎЗГАРИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ**  
**ЖАРАЁНЛАРИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2021

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.13/30.12.2019.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ДАЛИЕВ ШЕРЗОД ҚАРШИЕВИЧ**

**ЕР ОСТИ СУВЛАРИНИНГ САТҲИ ВА МИНЕРАЛЛАШУВИ**  
**ЎЗГАРИШИНИ БАШОРАТ ҚИЛИШ УЧУН ГЕОФИЛЬТРАЦИЯ**  
**ЖАРАЁНЛАРИНИ СОНЛИ МОДЕЛЛАШТИРИШ**

05.01.07 – Математик моделлаштириш. Сонли усуллар ва дастурлар мажмуи

**ТЕХНИКА ФАНЛАР БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)**  
**ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд – 2021**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2020.2.PhD/T1572 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд Давлат университетига бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tuit.uz](http://www.tuit.uz)) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Равшанов Нормажмад</b> техника фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Назирова Элмира Шодмоновна</b> техника фанлари доктори, доцент <b>Болтибаев Шухратжон Комилжанович</b> техника фанлари бўйича фалсафа доктори
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Механика ва вившоотлар сейсмик мустаҳкамлиги институти</b>

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.01 Илмий кенгашининг 2021 йил «06» сентябрь соат 10<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100200, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: [tuit@tuit.uz](mailto:tuit@tuit.uz)).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100200, Тошкент шаҳри, Амир Темура кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44).

Диссертация автореферати 2021 йил «  » \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2021 йил «12» сентябрь даги 10 рақамли реестр баённомаси).

**Р.Х.Хамдамов**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
раиси, техника фанлари доктори, профессор

**Ф.М.Нуралiev**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
илмий котиби, техника фанлари доктори, доцент

**Ш.А.Садуллаева**  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар  
раиси, физика-математика фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ер ости сувлари сатхи ўзгариши ва минераллашуви даражасига доир тадқиқотларга катта эътибор берилмоқда. Аҳолининг ичимлик сувига ва қишлоқ хўжалиги секторининг суғориш учун керак бўлган сувга талабларининг ортиб бориши туфайли бу муаммо долзарб ҳисобланади. Шуни таъкидлаш лозимки, Ўрта Осиё, Кавказ ва бошқа ҳудудлар қишлоқ хўжалиги ерларининг кўпгина қисмини суғориш ер ости сувлари ҳисобидан амалга оширилади. Шу боисдан, ер ости сувлари сатхи ўзгариши ва минераллашуви жараёнларининг математик моделларини ҳамда бу масалаларни ечиш учун самарали ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштириш энг долзарб илмий муаммолардан ҳисобланади. Бу йўналишда ривожланган хорижий мамлакатларда, жумладан, Япония, Дания, Канада, Россия, Хитой, Германия, Ҳиндистонда мураккаб гидродинамик ва геофилтрацион жараёнларини тадқиқ қилиш учун математик моделлар ва сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда ер ости сувлари ҳаракати ва геофилтрация жараёнларини ўрганишга йўналтирилган мақсадли тадқиқотлар кенг олиб борилмоқда. Бу йўналишнинг асосий масалалари сирасига, жумладан, ер ости сизот ва босимли сувлари сатхи ўзгариши жараёнларининг сонли моделларини ҳамда ҳисоблаш алгоритмларини такомиллаштириш ҳам кириди. Шунингдек, бир ва икки қатламли муҳитларда ер ости сувлари сатхи ўзгариши ва минераллашуви жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделларини, самарали сонли ҳисоблаш алгоритмларини ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш долзарб мақсадли илмий тадқиқотлардан биридир.

Республикаимиз хўжалик фаолиятида муҳим аҳамиятга эга бўлган ер ости сув ресурслари ҳолатини баҳолаш, мониторинг ва башорат қилиш билан боғлиқ мураккаб гидродинамик жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш ва амалиётга жорий этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сонли қарорида «...математик физика, амалий математика ва математик моделлаштириш» каби математика фанларининг халқаро стандартлар даражасидаги устувор йўналишларида илмий тадқиқотлар олиб бориш назарда тутилган. Қарор ижросини таъминлашда, жумладан, ер ости сувлари сатхи ўзгаришини башорат қилиш, оқова сувларини тозалаш, геофилтрация жараёнларининг математик моделларини такомиллаштириш, ҳисоблаш тажрибаларини ўтказишнинг самарали алгоритм ва дастурий воситаларини яратиш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Ушбу диссертация иши маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон

Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 4 майдаги ПҚ-2954-сон «2017-2021 йилларда ер ости сувлари захираларидан оқилона фойдаланишни назорат қилиш ва ҳисобга олишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 6 октябрдаги ПҚ-4851-сон «Ахборот технологиялари соҳасида таълим тизимини янада такомиллаштириш, илмий тадқиқотларни ривожлантириш ва уларни ИТ-индустрия билан интеграция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ер ости сувлари ҳаракатларини ўрганиш учун геофилтрация жараёнларини математик моделлаштириш бўйича илмий адабиётлар таҳлили ушбу йўналишда бир қатор аҳамиятли назарий ва амалий натижалар олинганлигини кўрсатди.

А.Дарси, Ф.Форхгеймер, Ж.Дюпюи, Ж.Буссинеск, Н.Е.Жуковский ва бошқа хорижий олимларнинг илмий ишлари ер ости гидродинамикаси жараёнларини математик моделлаштиришнинг фундаментал аспектларига бағишланган. П.Я.Полубаринова-Кочина, В.И.Аравина, С.Н.Нумеров, Г.Н.Каменск, А.И.Силина-Бекчурин, П.П.Климентов, Г.Б.Пыхачев, В.А.Мироненко, И.К.Гавич, В.Н.Шелкачев, М.А.Гусейн-заде, В.М.Шестаков, Н.Н.Веригин, И.А.Чарний, Ф.М.Бочеве, М.С.Хантуш, С.Е.Жакоб, К.Э.Лембеке, М.Льюис, Р.Ј.Мonteiro, Ch.Н.Рycroft, G.І.Вarenblatt, T. W. Patzek, D. B. Silin, M. Chraibi, S. Zaleski, F. Franco, C. Atkinson, R. A. Isangulov, M. N. Hamdan ва бошқа тадқиқотчилар ер ости сувлари сатҳининг ўзгариши ва минераллашуви жараёнларининг математик моделларини яратишда катта ҳисса қўшдилар.

Ўзбекистонда геофилтрация, гидродинамика жараёнларининг математик моделлари ва самарали сонли усулларини ишлаб чиқишда Ф.Б.Абуталиев, Э.Б.Абуталиев, Р.Садуллаев, Ж.Ф.Файзуллаев, Н.Муҳидинов, И.Алимов, Б.Хўжаёров, Р.Н.Усмонов, Н.Равшанов, В.Ф.Бурнашев, Э.Ш.Назирова, Ж.Джуманов, А.Неъматов ва бошқа олимлар салмоқли илмий натижаларга эришишган.

Сохага оид тадқиқотлар таҳлили шуни кўрсатадики, ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳи ҳамда минераллашуви даражасининг ўзгариши жараёнлари, ернинг мелиоратив ҳолатини ва ер ости сувлари захиралари

Ўзгаришини баҳолаш билан боғлиқ масалаларни янада чуқурроқ ва ҳар томонлама тадқиқ этиш усулларини ишлаб чиқишни талаб этади.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган муассасаларининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд Давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Амалий масалаларни математик моделлаштириш» (2015-2020) мавзусидаги ва Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Ахборот коммуникация технологиялари илмий-инновацион марказининг илмий тадқиқот ишлари режасининг №БВ-М-Ф4-001 – «Мураккаб иссиқлик ва модда алмашинувига доир кўп ўлчовли масалаларнинг математик моделлари ва тақсимланган самарали ҳисоблаш алгоритмлари» (2017-2020) ва №БВ-Атех-2018-9 – «Атмосфера ва сув ресурсларини техноген омилларида химоя қилиш масалаларини ечиш учун моделлар, тақсимланган ҳисоблаш алгоритмлари ва дастурий воситалар яратиш» (2018-2020) мавзуларидаги тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳи ҳамда минераллашуви ўзгаришини башорат қилиш учун математик моделлар, сонли алгоритмлари ва дастурий мажмуани ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ер ости сизот ва босимли сувлари геофилтрация жараёнларининг ахборот моделини ишлаб чиқиш;

тупроқ ғоваклиги, қудуқлар қуввати (дебит) ҳамда ташқи омиллар ва буғланишни тавсифловчи функционал боғланишларни ҳисобга олган ҳолда ер ости сувлари сатҳи ўзгариши жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини ҳамда сизиб кириш ва чиқиш жараёнларини тавсифловчи умумий чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда бир ва икки қатламли муҳитларда туз қўчиши ва диффузияси жараёнларининг математик моделини ишлаб чиқиш;

вақт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аниқликка эга бўлган мутлақ турғун ошқормас схемага асосан бир ва икки қатламли муҳитларда ер ости сувлари сатҳи ва туз концентрацияси ўзгариши масалаларини ечиш учун самарали сонли ҳисоблаш алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бир ва икки қатламли муҳитларда ер ости сувлари сатҳи ва минераллашув даражаси ўзгаришини башорат қилиш учун дастурий мажмуани ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида бир ва икки қатламли муҳитларда ер ости сувлари динамикаси ҳамда геофилтрация жараёнлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** математик моделлар, ҳисоблаш алгоритмлари ва ЭХМда ҳисоб ишларини олиб бориш учун дастурий мажмуалар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишини бажариш жараёнида ҳисоблаш математикаси, математик моделлаштириш ва ҳисоб тажрибаси усуллари, шунингдек дастурий маҳсулот ишлаб чиқиш учун объектга йўналтирилган дастурлаш технологияларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ташки омиллар ва бугланишни тавсифловчи функционал боғланишлар ҳамда ғовакликни ҳисобга олган ҳолда ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳи ўзгариши жараёнининг математик модели ишлаб чиқилган;

кудукларнинг куввати (дебитни) ва чизикли бўлмаган учинчи тур чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳи ўзгариши жараёнининг математик модели такомиллаштирилган;

ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини ҳамда сизиб кириш ва чиқиш жараёнларини тавсифловчи умумий чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда бир ва икки қатламли мухитларда туз кўчиши ва диффузияси жараёнларининг математик модели ишлаб чиқилган;

вакт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аниқликка эга бўлган мутлақ турғун ошқормас схема асосида бир ва икки қатламли мухитларда ер ости сувлари сатҳи ва туз концентрацияси ўзгаришини башоратлаш масалаларини ечиш учун самарали сонли алгоритмлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ташки манбалар ва бугланиш, тупроқ ғоваклиги ва учунчи тур чегаравий шартларни ҳисобга олган ҳолда бир ва икки қатламли мухитда ер ости сувлари сатҳи ва минераллашуви даражаси ўзгаришларини таҳлил, мониторинг ва башорат қилиш учун дастурий мажмуа ишлаб чиқилди;

ишлаб чиқилган дастурий мажмуа ер ости сувлари сатҳи ва минерализация даражаси ўзгаришини башорат қилиш ва улар асосида мелиорация тадбирларини ўтказишга доир амалий тавсиялар ишлаб чиқиш имконини берди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги фойдаланилган тенгламалар ва шартларнинг масса сақланиш ва А.Дарси қонунига қатъий мослиги билан изоҳланади. Сонли усуллардан фойдаланилганида зарурий аниқлик, ҳисоблаш жараёнининг турғунлиги ва яқинлашувчанлиги, ҳисоб натижалари ўрганилаётган жараёнларнинг табиатига зид эмаслиги таъминланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ички ва ташқи омилларнинг ер ости сувлари сатҳи ва улардаги туз концентрацияси ўзгаришига таъсирини ҳисобга олган ҳолда бир ва икки қатламли мухитларда ер ости сувларининг ҳаракати математик моделларининг такомиллаштирилганлиги, вакт ва фазовий ўзгарувчиларга нисбатан юқори тартибли аниқликка эга бўлган мутлақ турғун ошқормас схемага асосланган самарали сонли алгоритмларнинг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** геофилтрация жараёнларини мониторинг ва башорат қилиш учун дастурий мажмуа ишлаб

чикишда ифодаланадик, у ҳисоблаш вақтини камайтирди ва ер ости сувлари сатҳини ва уларнинг минераллашув даражасини аниқлаш учун муҳандислик ҳисоб-китобларининг аниқлигини оширди.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Ер ости сувлари геофилтрация жараёнларининг такомиллаштирилган математик моделлари ва самарали сонли ҳисоблаш алгоритмлари асосида:

оқова сувлари ҳаракати ҳамда ер ости сувлари сатҳининг ва тупроқда тузлар концентрациясининг вақт давомида ўзгаришини мониторинг қилиш ва башоратлаш учун ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминотлар Самарқанд вилоят уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси Давлат «Сувоқова» унитар корхонаси объектларида жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг 2020 йил 28 февралдаги №01/02-1008-сон маълумотномаси). Тадқиқот натижалари умумлаштирилган моделлардан фойдаланган ҳолда сувнинг минераллашуви ва оқова сувларнинг тупроқ қатламларига сингиб кетиши жараёнини ҳамда сув етказиб берилаётган ҳудудлардаги сувлар сатҳининг ўзгаришини башоратлаш ҳамда муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфини 5-6 % га қисқартириш имконини берган;

ер ости сувлар сатҳи ва тупроқнинг минераллашуви даражаси ўзгаришини таҳлил қилиш ва башоратлаш учун ишлаб чиқилган математик ва дастурий таъминотлар Сирдарё-Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси объектларида жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 33-8/317-сон маълумотномаси). Натижада ер ости сув сатҳи ва ерларнинг туз концентрацияси ўзгаришини башорат қилиш имкони яратилган ҳамда муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфи 3-4 %га қисқартирилган;

математик ва дастурий таъминотлар Жиззах вилоят сув омборларидан фойдаланиш бошқармаси тассарруфидаги ҳудудларда сизот сувлар сатҳининг ўзгаришини баҳолаш учун жорий этилган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларни ривожлантириш вазирлигининг 2021 йил 15 январдаги 33-8/317-сон маълумотномаси). Натижада суғориш масалаларида қатламларнинг ёрик-говак муҳитдан иборат эканлигини ҳисобга олиб, геофилтрация жараёнида ер ости сувлари сатҳи ўзгариши баҳоланган ҳамда муҳандислик ҳисобларини ўтказишга кетадиган вақт ва меҳнат сарфини 0.2 марта қисқартириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 24 та илмий иш чоп этилган. Шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 10 та илмий мақола, жумладан 6 таси хорижий ва 4 таси республика нашрларида чоп этилган ҳамда 2 та ЭҶМ учун яратилган дастурий воситаларига қайд қилиш гувоҳномалари олинган.



Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация 120 бетдан иборат бўлиб, кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгилаб олинган ҳамда тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “Ер ости сувлари ҳаракати ва минераллашуви жараёнларининг математик моделлари таҳлили” деб номланган биринчи бобида жаҳонда ва республикамиз миқёсида ер ости сувлари ҳаракати ва минераллашуви жараёнларини математик моделлаштириш, ечиш усулларига бағишланган илмий адабиётлар, мақолалар атрофлича таҳлил қилинган. Математик моделлаштириш ва ҳисоблаш тажрибалари босқичлари схемаси, ер ости сувлари ҳаракати ва минераллашуви жараёнларини ифодаловчи моделларни аналитик ва тақрибий ечишга доир мисоллар келтирилган. Ушбу илмий манбалар ва ҳисоблаш методлари таҳлили тадқиқот ишининг мақсади ва вазифаларини шакллантириш имконини берган.

Диссертациянинг иккинчи «Ер ости сувлари сатҳи ва туз концентрацияси ўзгаришини башорат қилиш масалаларини математик моделлаштириш» боби ер ости сувлари сатҳининг ўзгаришини башорат қилиш ҳамда сизот ва босимли сувли қатламлардаги тузлар концентрацияси ўзгариши жараёни учун математик моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқ қилишга бағишланган.

Бобнинг биринчи параграфида ер ости сувлари сатҳи ва туз концентрацияси ўзгаришига таъсир этувчи омилларнинг мавсумийлиги ўрганилиб, жумладан, қуйидаги боғланишлар шакллантирилган.

Ташқи омилларни ҳисоблаш учун қуйидагича боғланиш олинган:

$$f = f_0 + \Delta f \sin \omega t,$$

бу ерда  $f_0$  – ташқи омилларнинг ойлик ўртача ўзгариши;  $\Delta f$  – ташқи омилларнинг йиллик ўзгариш амплитудаси;  $\omega$  – ойлик ўзгаришларнинг циклик частотаси.

Буғланишни ҳисоблаш учун қуйидагича боғланиш олинган:

$$\omega = \omega_0 + \Delta \omega \sin \omega t,$$

бу ерда  $\omega_0$  – буғланишнинг ойлик ўртача ўзгариши;  $\Delta \omega$  – буғланишнинг йиллик ўзгариш амплитудаси.

Иккинчи параграфда ташқи омиллар ва буғланишнинг таъсирини ҳисобга олган ҳолда ер ости сизот сувлари сатҳи ва туз концентрациясининг ўзгаришининг диффузион ва конвектив кўчиш жараёнларини биргаликда

ҳисобга олган ҳолда гидродинамиканинг асосий қонунлари асосида математик модели ишлаб чиқилган. Бу модель учун сизиб кириш ва чиқишни тавсифловчи чизикли бўлмаган чегаравий шартлар шакллантирилган. Жараёнинг математик модели чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар системаси кўринишида қуйидагича ифодаланди:

$$\left. \begin{aligned} \mu \frac{\partial h}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( kh \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( kh \frac{\partial h}{\partial y} \right) + f - \omega, \\ \mu h \frac{\partial \theta}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( Dh \frac{\partial \theta}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial y} \left( Dh \frac{\partial \theta}{\partial y} \right) - v_x h \frac{\partial \theta}{\partial x} - v_y h \frac{\partial \theta}{\partial y} + f \theta_f \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

ва унинг бошланғич ва чегаравий шартлари қуйидагича бўлди:

$$t = t_0 \text{ да: } h(x, y, t_0) = h_0, \theta(x, y, t_0) = \theta_0, \quad (2)$$

$$kh \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=0} = -\lambda(h - h_0), \quad kh \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=L} = \lambda(h - h_0); \quad (3)$$

$$kh \frac{\partial h}{\partial y} \Big|_{y=0} = -\lambda(h - h_0), \quad kh \frac{\partial h}{\partial y} \Big|_{y=L} = \lambda(h - h_0); \quad (3^*)$$

$$\mu h \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(\theta - \theta_0), \quad \mu h \frac{\partial \theta}{\partial x} \Big|_{x=L} = (\theta - \theta_0); \quad (4)$$

$$\mu h \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=0} = -(\theta - \theta_0), \quad \mu h \frac{\partial \theta}{\partial y} \Big|_{y=L} = (\theta - \theta_0). \quad (4^*)$$

Бу ерда  $h(x, y, t)$  – сизот сув сатҳи;  $\mu$  – сув йўқотилиши коэффициентлари;  $k$  – фильтрация коэффициентлари;  $f$  – ташқи омиллар;  $\omega$  – буғланиш;  $\theta(x, y, t)$  – туз концентрацияси;  $v_x, v_y$  – фильтрация тезликлари;  $D$  – диффузия коэффициентлари;  $\theta_f$  – туз концентрацияси (инфильтрация сувларидан келатган);  $h_0(x, y, t_0)$  – сизот сув сатҳининг бошланғич қиймати;  $\lambda$  – чегаравий шартни ўлчовли шаклга келтириш коэффициентлари;  $\theta_0(x, y, t_0)$  – сизот сувли қатламда туз концентрациясининг бошланғич қиймати.

Учинчи параграфда икки қатламли муҳитларда ташқи омиллар, буғланиш, грунтда ғовақлик, сув йўқотилиши коэффициентлари, юкори ва пастки қатламларнинг фильтрация коэффициентлари, босимли суви қатламида дебит каби муҳим ўрин тутувчи параметрларни инobatга олган ҳолда ер ости сувлари сатҳи ҳамда улардаги туз концентрацияси ўзгариши жараёнининг математик модели келтирилган. Жараёнинг математик модели чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар системаси

$$\left. \begin{aligned} \mu n_0 \frac{\partial h}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( k_0 h \frac{\partial h}{\partial x} \right) - k_1 \frac{h - H}{m} + f - \omega, \\ \mu^* \frac{\partial H}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( T \frac{\partial H}{\partial x} \right) + k_2 \frac{h - H}{m} - \eta Q, \end{aligned} \right\} \quad (5)$$

ҳамда сизиб кириш ва чиқиш жараёнини эътиборга олган ҳолда мос бошланғич ва икки томонлама очик чегаравий шартлар орқали ифодаланган:

$$h_{x=0} = h_0, \quad H_{x=0} = H_0, \quad (6)$$

$$n_0 h \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(h - h_0), \quad n_0 h \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=L} = (h - h_0), \quad \mu \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(H - H_0), \quad \mu \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=L} = (H - H_0), \quad (7)$$

бу ерда  $h(x, t)$  ва  $H(x, t)$  – ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳлари;  $\mu$ ,  $\mu^*$  – сув йўқотилиш коэффициентлари;  $m$  – қатлам қуввати;  $k_1, k_2$  – юқори ва пастки қатламларнинг филтрация коэффициентлари;  $T$  – асосий горизонтнинг филтрация ўтказувчанлиги;  $Q$  – дебит;  $n_0$  – сизот сувли қатламда тупроқнинг ғоваклиги;  $\eta$  – моделни ўлчовли кўринишга ўтказиш коэффициентини;  $h_0, H_0$  – сизот ва босимли сув сатҳларининг бошланғич қийматлари.

Сизот ва босимли сувлар сатҳи ўзгариши таъсирида икки қатламли муҳитларда туз концентрацияси ўзгариши жараёни қуйидагича ифодаланган:

$$\left. \begin{aligned} \mu h \frac{\partial \theta_1}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( D_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \right) - v_x h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} + f_1 \theta_{1f}, \\ \mu^* H \frac{\partial \theta_2}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( D_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \right) - v_x H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} + f_2 \theta_{2f}. \end{aligned} \right\} \quad (8)$$

(8) система қуйида келтирилган бошланғич ва чегаравий шартларда ечилган:

$$\theta_1(x, t) \Big|_{t=0} = (\theta_1)_0, \quad \theta_2(x, t) \Big|_{t=0} = (\theta_2)_0, \quad (9)$$

$$\mu h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad \mu h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=L} = (\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad (10)$$

$$\mu^* H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad \mu^* H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=L} = (\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad (11)$$

$$\theta_1(x, t) \Big|_{x=m_x-0} = \theta_2(x, t) \Big|_{x=m_x+0}, \quad D_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=m_x-0} = D_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=m_x+0}. \quad (12)$$

Бу ерда  $\theta_1(x, t)$ ,  $\theta_2(x, t)$  – ер ости сизот ва босимли сувли қатламларда туз концентрацияси;  $v_x$  – филтрация тезлиги компонентаси;  $D_1, D_2$  – диффузия коэффициентлари;  $\theta_{1f}, \theta_{2f}$  – туз концентрациялари (инфилтрация сувидаги),  $(\theta_1)_0, (\theta_2)_0$  – сизот ва босимли сув қатламларидаги туз концентрациясининг бошланғич қийматлари;  $m_x$  –  $Ox$  йўналиш бўйича танланган ажратувчи чегара чизик.

Туртинчи параграфда гидрогеологик, геофилтрацион жараёнларни таҳлил қилиш натижаларига кўра, ер ости сизот ва босимли сувлари билан ажратилган соҳа икки қатламли муҳит сифатида кўриб чиқилган.

Грунт ғоваклиги, кудук қуввати, ташқи омилларни тавсифловчи функционал боғланишлар, шунингдек соҳа чегаралари орқали сизиб кириш ва чиқишни ҳисобга олганда ер ости сизот ва босимли сувлар сатҳларининг

Ўзгариши жараёни учун математик модель куйидаги чизикли бўлмаган дифференциал тенгламаларни ўз ичига олди:

$$\left. \begin{aligned} \mu_1 n_0 \frac{\partial h}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( k_1 m \frac{\partial h}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( k_1 m \frac{\partial h}{\partial z} \right) + k_1 \frac{H-h}{m} + f - \omega, \\ \mu_2 \frac{\partial H}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( k_2 m \frac{\partial H}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( k_2 m \frac{\partial H}{\partial z} \right) + k_2 \frac{h-H}{m} - \eta Q. \end{aligned} \right\} \quad (13)$$

(13) система куйидаги бошланғич ва чегаравий шартларда ечилади:

$$h|_{t=0} = h_0, \quad H|_{t=0} = H_0, \quad (14)$$

$$\mu_1 m \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(h-h_0), \quad \mu_1 m \frac{\partial h}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = (h-h_0), \quad (15)$$

$$\mu_1 m \frac{\partial h}{\partial z} \Big|_{z=0} = -(h-h_0), \quad \mu_1 m \frac{\partial h}{\partial z} \Big|_{z=L_z} = (h-h_0), \quad (16)$$

$$\mu_2 m \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(H-H_0), \quad \mu_2 m \frac{\partial H}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = (H-H_0), \quad (17)$$

$$\mu_2 m \frac{\partial H}{\partial z} \Big|_{z=0} = -(H-H_0), \quad \mu_2 m \frac{\partial H}{\partial z} \Big|_{z=L_z} = (H-H_0), \quad (18)$$

бу ерда  $\mu_1, \mu_2$  – сув йўқотилиш коэффициентлари;  $m$  – қатлам қуввати.

Туз концентрацияси ўзгаришининг математик модели куйидагича ифодаланган:

$$\left. \begin{aligned} \mu_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( D_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( D_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial z} \right) - v_x h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} - v_z h \frac{\partial \theta_1}{\partial z} + f \theta_f, \\ \mu_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial t} &= \frac{\partial}{\partial x} \left( D_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \right) + \frac{\partial}{\partial z} \left( D_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \right) - v_x H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} - v_z H \frac{\partial \theta_2}{\partial z} + f_1 \theta_{1f}, \end{aligned} \right\} \quad (19)$$

(19) система куйидаги бошланғич ва чегаравий шартларда ечилган:

$$(\theta_1)|_{t=0} = (\theta_1)_0, \quad (\theta_2)|_{t=0} = (\theta_2)_0, \quad (20)$$

$$\mu_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad \mu_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = (\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad (21)$$

$$\mu_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial z} \Big|_{z=0} = -(\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad \mu_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial z} \Big|_{z=L_z} = (\theta_1 - (\theta_1)_0), \quad (22)$$

$$\mu_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=0} = -(\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad \mu_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial x} \Big|_{x=L_x} = (\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad (23)$$

$$\mu_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \Big|_{z=0} = -(\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad \mu_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \Big|_{z=L_z} = (\theta_2 - (\theta_2)_0), \quad (24)$$

$$\theta_1 \Big|_{z=m-0} = \theta_2 \Big|_{z=m+0}, \quad D_1 h \frac{\partial \theta_1}{\partial y} \Big|_{z=m-0} = D_2 H \frac{\partial \theta_2}{\partial z} \Big|_{z=m+0}. \quad (25)$$

бу ерда  $v_x, v_y$  – фильтрация тезлиги компонентлари.

(1)–(25) масалаларни ечиш ўлчовсиз катталикларни киритган ҳолда амалга оширилган. Ушбу бобда қаралаётган масалаларни комплекс ўрганишни амалга ошириш учун ер ости бир ва икки қатламли мухитларда ер ости сувлари сатҳи ўзгаришининг математик модели ишлаб чиқилди ҳамда такомиллаштирилди. Туз концентрацияси ўзгаришини тавсифловчи математик моделни ишлаб чиқишда ва такомиллаштиришда ер ости сизот ва босимли сувлари сатҳларининг ўзгариши, ғоваклик, диффузия коэффициентлари, сув йўқотилиши коэффициенти, сув сатҳига боғлиқ филтрация тезликлари ҳамда сизиб кириш ва чиқиш жараёнини эътиборга олган ҳолда мос бошланғич ва икки томонлама очиқ чегаравий шартлар инobatга олиниб, экологик ҳолатга катта таъсир ўтказиш мумкинлиги тадқиқ қилинган.

Диссертациянинг «Ер ости сувлари сатҳи ва туз концентрацияси ўзгаришини башорат қилиш масалаларини сонли тадқиқ этиш» деб номланган учинчи боби иккинчи бобда келтирилган математик моделларни сонли ечиш учун ишлаб чиқилган самарали сонли алгоритмларга бағишланган. (1)–(25) масалалар чизикли бўлмаган дифференциал тенгламалар системалари билан ифодаланганлиги сабабли уларни аналитик усулда ечиш мураккаб бўлади. Шу боис кўрилатган масалаларнинг ечимларини топиш учун сонли усуллардан фойдаланамиз.

(1)–(4\*) масалаларни сонли ечиш учун чекли айирмалар усулини қўллаيمиз. Бунинг учун  $D = \{0 \leq x < L_x, 0 \leq y < L_y, 0 \leq t \leq N\}$  соҳага тўр киритамиз:

$$\omega_{\Delta x, \Delta y, \Delta t} = \{x = i \Delta x; i = \overline{0..I}; y = j \Delta y; j = \overline{0..J}; t_n = n\tau; n = \overline{0..N}\}$$

Ушбу ва кейинги масалаларни дискрет кўринишга келтириш жараёнида конвектив ҳадлар оқимга қарши схема ёрдамида аппроксимацияланишди, чизикли бўлмаган ҳадлар квазичизиклаштириш усулида соддалаштирилди ва қаралаётган вақт қатлами учун итерация жараёни ташкил этилди.  $n+1$  – вақт қатламида ҳар бир итерация қадами учун  $n + \frac{1}{2}$  – қатламда  $Ox$  ўқи бўйлаб,  $n+1$  – қатламда  $Oy$  ўқи бўйлаб ҳайдаш усули қўлланилди.

$n + \frac{1}{2}$  қатламда (1) система ҳамда (2) – (4\*) бошланғич ва чегаравий шартлар  $\omega_{\Delta x, \Delta y, \Delta t}$  тўрда ошқормас схемани қўллаб аппроксимация қилинди. Олинган чекли-айирмали схема  $h$  сатҳ функциясига нисбатан чизикли бўлмаганлиги сабабли, уни ечишда квазичизикли ҳолга келтирилди ҳамда итерация усули қўлланилди ва қуйидаги уч диагоналли алгебраик тенгламалар системалари кўринишига келтирилди:

$$a_{i,j} h_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} - b_{i,j} h_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + c_{i,j} h_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} = -d_{i,j}^n \quad (26)$$

$$a_{i,j}^1 \theta_{i-1,j}^{n+\frac{1}{2}} - b_{i,j}^1 \theta_{i,j}^{n+\frac{1}{2}} + c_{i,j}^1 \theta_{i+1,j}^{n+\frac{1}{2}} = -\bar{d}_{i,j}^n \quad (27)$$

бу ерда  $\bar{h}_{i,j}, \bar{h}_{i,j}, \bar{h}_{i+1,j}$  – сатх функцияларининг бошланғич итерация қийматлари,

$$\begin{aligned}
 a_{i,j} &= k_{i-0.5,j} 2\bar{h}_{i-1,j}, b_{i,j} = \frac{2\Delta x^2}{0.5\tau} + (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) 2\bar{h}_{i,j}, c_{i,j} = k_{i+0.5,j} 2\bar{h}_{i+1,j}, \\
 d_{i,j} &= \frac{2\Delta x^2 h_{i,j}^n}{0.5\tau} + (k_{i-0.5,j} + k_{i+0.5,j}) \bar{h}_{i,j}^2 - k_{i+0.5,j} \bar{h}_{i+1,j}^2 + \\
 &\quad + \frac{\Delta x^2}{\Delta y^2} \left( k_{i,j-0.5} (2\bar{h}_{i,j-1} h_{i,j-1}^n - \bar{h}_{i,j-1}^2) - \right. \\
 &\quad \left. - (k_{i,j-0.5} + k_{i,j+0.5}) (2\bar{h}_{i,j} h_{i,j}^n - \bar{h}_{i,j}^2) \right) + \\
 &\quad + \frac{\Delta x^2}{\Delta y^2} \left( k_{i,j+0.5} (2\bar{h}_{i,j+1} h_{i,j+1}^n - \bar{h}_{i,j+1}^2) \right) + 2\Delta x^2 \xi (f_{i,j} - \omega_{i,j}), \\
 a_{i,j}^1 &= \frac{\xi_1}{\Delta x^2} D_{i-0.5,j} + \frac{\xi_2 h_{i,j}^{n+1}}{2\Delta x} (|v_x| + v_x), b_{i,j}^1 = \frac{h_{i,j}^{n+1}}{0.5\tau} + \frac{\xi_1}{\Delta x^2} (D_{i-0.5,j} + D_{i+0.5,j}) + \frac{\xi_2 h_{i,j}^{n+1}}{\Delta x} v_x, \\
 c_{i,j}^1 &= \frac{\xi_1}{\Delta x^2} D_{i+0.5,j} - \frac{\xi_2 h_{i,j}^{n+1}}{2\Delta x} (|v_x| - v_x), \\
 \bar{d}_{i,j}^n &= \frac{h_{i,j-1}^{n+1}}{0.5\tau} \theta_{i,j}^n + \frac{\xi_1}{\Delta y^2} (D_{i,j-0.5} \theta_{i,j-1}^n - (D_{i,j-0.5} + D_{i,j+0.5}) \theta_{i,j}^n + D_{i,j+0.5} \theta_{i,j+1}^n) - \\
 &\quad - \frac{\xi_2 h_{i,j}^n}{2\Delta y} (2v_y \theta_{i,j}^n - (|v_y| + v_y) \theta_{i,j-1}^n + (|v_y| - v_y) \theta_{i,j+1}^n) + \xi_3 f_{i,j} \theta_{i,j}^n.
 \end{aligned}$$

Ох ўқи бўйлаб изланаётган функция ва ҳайдаш коэффицентларининг чегаравий қийматларини аниқлаш ҳам иккинчи тартибли аниқликда амалга оширилди ва ҳайдаш усули билан  $n + \frac{1}{2}$  – вақт қадами учун ечимлар олинди.

Олинган ечимлар вақтнинг иккинчи ярим қадамида Оу ўқи бўйлаб ҳайдаш усулини қўллаш жараёнида фойдаланилди ва шу тарика  $n + 1$  – кадам учун биринчи яқинлашув итерация натижалари олинди. Итерацион жараёнинг яқинлашиши  $|h_{i,j}^{(s+1)} - h_{i,j}^{(s)}| < \varepsilon$  шартлар ёрдамида текширилди, бу ерда  $\varepsilon$  – итерация жараёнининг аниқлиги;  $s$  – итерациялар сони.

(5)–(7) ҳамда (8)–(12) масалаларни ечиш учун иккинчи тартибли аниқликка эга ошқормас чекли айирмали схемадан фойдаланилди.  $D = \{0 \leq x < L, 0 \leq t \leq J\}$  соҳада ўзгармас  $\Delta x, \Delta \tau$  кадамларга мос тўрни киритамиз:

$$\omega_{\Delta x, \Delta \tau} = \{(x_i, t_j), x_i = i\Delta x; i = \overline{0..I}; t_j = j\Delta \tau; j = \overline{0..J}\}.$$

Олинган чекли айирмали схема  $h$  сатх функциясига нисбатан чизикли бўлмаганлиги сабабли уни ечишда квазичизикли ҳолга келтириб, итерация

усуллари қўлланилган. Натижада (5) ва (8) системалар куйидаги алгебраик тенгламалар системасига келтирилган:

$$a_i h_{i-1}^{j+1} - b_i h_i^{j+1} + c_i h_{i+1}^{j+1} = -d_i, \quad a_i^1 H_{i-1}^{j+1} - b_i^1 H_i^{j+1} + c_i^1 H_{i+1}^{j+1} = -d_i^1, \quad (28)$$

$$\bar{a}_i (\theta_1)_{i-1}^{j+1} - \bar{b}_i (\theta_1)_i^{j+1} + \bar{c}_i (\theta_1)_{i+1}^{j+1} = -\bar{d}_i, \quad \bar{a}_i^1 (\theta_2)_{i-1}^{j+1} - \bar{b}_i^1 (\theta_2)_i^{j+1} + \bar{c}_i^1 (\theta_2)_{i+1}^{j+1} = -\bar{d}_i^1. \quad (29)$$

(28)–(29) тенгламаларнинг озод хади ва коэффициентлари куйидаги муносабатлар ёрдамида аниқланишиди:

$$a_i = \frac{\Delta \tau}{\Delta x^2} (k_1)_{i-0.5} \bar{h}, \quad b_i = \frac{\Delta \tau}{2\Delta x^2} (2(k_1)_{i-0.5} \bar{h}_{i-0.5} + 2(k_1)_{i+0.5} \bar{h}_{i-0.5}) + \Delta \tau \xi (k_1)_i \bar{h} + 1,$$

$$c_i = \frac{\Delta \tau}{\Delta x^2} (k_1)_{i+0.5} \bar{h}, \quad d_i = h_i^j + \Delta \tau \xi (k_1)_i \bar{h}^2 + \Delta \tau \xi_1 (k_1)_i H_i^j + \Delta \tau \xi_2 (f_i^j - \omega^j),$$

$$a_i^1 = \frac{\Delta \tau}{\Delta x^2} T_{i-0.5}, \quad b_i^1 = \frac{\Delta \tau}{\Delta x^2} (T_{i-0.5} + T_{i+0.5}) - \Delta \tau \varphi_1 (k_2)_i + 1, \quad c_i^1 = \frac{\Delta \tau}{\Delta x^2} T_{i+0.5},$$

